# Коммунарлар қўшиғи

Ҳозир, орадан ўнлаб йиллар ўтганидан сўнг, гражданлар уруши қўшиқларидан қайси бири олдинроқ, қайси бири кейинроқ пайдо бўлганлигини айтиш қийин. Ҳар қанча урингандa ҳам ана шу қўшиқларнинг сонини тахминан ҳисоблаб чиқиш, уларнинг қаерда кенгроқ ёйилганлигини харитада кўрсатиб бериш амри-маҳол.

Бошқа бир нарса — оч-яланғоч, касалликлар авж олган ёш Совет республикасида одамларнинг қўшиқ басталаб, куйлаганлиги ажаблантиради! Қизил Армияда ҳатто ўзига хос «қўшиқчилар ҳаракати» пайдо бўлди. Қўшиқ ижоди шу қадар кенг қулоч ёйган эдики, республика Революцион Ҳарбий Кенгашининг буйруғи билан ана шу Кенгаш Сиёсий бошқармаси ҳузурида алоҳида бюро ташкил этилди. Бюро репертуарларни танлаш, музика ходимларини тайёрлаш, армияни чолғу асбоблари ва нота қоғозлари билан таъминлаш билан шуғулланарди.

Натижада, пролетар полкларининг жанговар руҳини кўтарувчи, қизил аскарлар қалбида ғалабага ишонч уйғотувчи, янги қўшиқлар пайдо бўлди. Гражданлар урушининг барча фронтларида, шу жумладан Туркистон фронтида ҳам куйланган «Марш Буденного», «Смело мы в бой пойдем», «Красная Армия всех сильней» ва бошқа ўнлаб қўшиқлар шулар жумласидандир.

Бугун биз ҳикоя қилаётган «Песня Коммуны» («Коммуна қўшиғи»)ни Қизил Армия жангчилари 1918 йилдаёқ куйлай бошлаган энг дастлабки қўшиқлар қаторига дадил қўшиш мумкин.

...Нева дарёси ва шаҳар кварталлари узра қалин туман ястаниб ётган ўша куни эрталаб Петроградда чиқадиган «Красная звезда» газетасининг ходимлари навбатдаги сон материалларини муҳокама қилиш учун одатдагидек «летучка»га йиғилишди. Ана шундагина тонг саҳарда жанговар ҳаракат районидан қайтган Василий Князевнинг ниҳоятда ҳаяжонланаётганлигини кўпчилик пайқади. Уни бундай аҳволда биринчи марта кўриб туришган эди: у ниҳоятда жиддий, пешонасини чуқур ажинлар босган, ҳамкасбларининг саволларига узуқ-юлуқ жавоб қайтарар эди.

Редакция шоири нега ўзини қўйишга жой тополмаяпти, уни нималар ҳаяжонлантирмоқда! Маълум бўлишича, оқ гвардиячилардан тозаланган қишлоқдаги бир манзара унинг кўз олдидан кетмаётган экан. Ўша ерда у қийнаб ўлдирилган ёш жангчиларнинг мурдаларини кўрган, пистирмага дуч келган тўрт нафар комсомол йигитнинг жасорати ҳақидаги ҳикояни эшитган экан. Улар сўнгги ўқ қолгунича жанг қилишган, аммо душманга таслим бўлишмаган экан...

Мана энди шошилинч равишда материал тайёрлаш керак бўлган бир пайтда иш ҳеч ковушмас эди... Комсомолларни дафн этиш манзараси хотирадаги бошқа бир манзарани — соддадиллик билан адолатга ишонган, меҳнаткаш халқнинг машаққатли турмуш кечираётганлигидан шикоят қилиш мақсадида подшо ҳузурига йўл олган қуролсиз намойишчиларнинг ўққа тутилиш манзарасини жонлантирди. «Қонли якшанба»даги шафқатсиз ўч олиш 18 ёшли студент В. Князевни саросимага солганди. 1907 йил 9 январда у революцион кураш йўлига қадам қўйди...

Газета редактори шоширар, хаёлга эса биророрта ҳам мисра келмас эди. Қаердадир эшитилган «Биз қул эмас! Қул эмасмиз биз!» сўзлари мияни пармалар эди. Тўхта! Бу фикр чақмоқдек чақнади, аммо Василий «Коммунарлар асло қул бўлмайди!» деган сўзларни ёзишга улгурди. Нима бу — сарлавҳами ёки... Фикри такрор-такрор ҳалок бўлган жангчиларга қайтар, қўллари тиним билмай ёзар эди... Ёзиб бўлгач ўқиб чиқди — маъқул бўлмади. Ҳалок бўлганлар ҳақида эмас, ҳеч қандай куч буколмайдиган, чекинишга мажбур қилолмайдиган революциянинг барҳаёт ҳимоячилари ҳақида ёзиш лозим. Масалан бундай:

Нас не сломит нужда,
Не согнет нас беда,
Царь кровавый
не властен над нами.
Никогда, никогда,
Никогда, никогда
Коммунары не станут
рабами!

Қўлёзма, тайёр бўлганидан сўнг Князев бутун редакцияни йиғиб, шеърни баланд овоз билан ўқиб берди. Ҳамма қарсак чалиб кутиб олди. Редактор эса «царь кровавый» сўзларини «рок капризный» сўзларига ўзгартириб, шоирнинг қўлини қаттиқ қисдида: «Зудлик билан теришга беринг!» деб буюрди.

Эртаси куни газетани Петроград ҳимоячилари ўқишар, юзлаб жангчилар қўшиқнинг соддагина сўзларини қайта-қайта такрорлашарди:

Коль не хватит солдат,
Старики встанут в ряд,
Станут дети и жены
бороться,
Всяк боец рядовой —
Сын семьи трудовой,
Всяк, в ком сердце
мятежное бьется.

Шеър ўз-ўзидан куйга солишни тақозо этарди. Унинг музикаси 1919 йил қишида ёзилди. Уни ўша пайтда Саратов губернасининг ҳарбий ишлар бўйича комиссариати агитация-оқартув бўлимида ишлаб юрган ўттиз ёшли Александр Митюшин басталади. У артистлар бригадаси сафида Жануби-ғарбий фронтда тез-тез бўлар, жангчилар уни концерт программаларини олиб борувчи ва ижрочи-созанда сифатида билишар эди.

«Коммуна қўшиғи» тезда оммавийлашиб кетди. Навбатдаги концертдаёқ уни тингловчилар қизғин кутиб олишди. Артистлар қаерда ўз маҳоратларини намойиш этишмасин томошабинлар қўшиқнинг қайта-қайта ижро этилишини илтимос қилишарди. Қўшиқ кўпчиликка манзур бўлди, минглаб қизил аскарлар ва ишчилар орқали у бутун мамлакатга тарқалди. Бирорта ҳам митинг, бирорта ҳам партия ёки комсомол йиғилиши ана шу қўшиқсиз ўтмас эди.

Славен красный наш род,
Жив свободный народ,
Все идут под знамена
Коммуны...

Бу асарни Владимир Ильич Ленин ҳам яхши кўрар эди. «Гоҳо унга шеър ўқир эканман, у ойна ортидаги ботаётган қуёшга хаёл суриб тикилиб қоларди, — деб ҳикоя қилади ўз эсдаликларида Н. К. Крупская. — «Ҳеч қачон коммунарлар қул бўлишмайди» сўзлари билан тугайдиган шеърни эслайман. Ўқийсану бамисоли Ильичга қасамёд қилгандек — революциянинг бирорта ҳам ғалабасини ҳеч қачон, ҳеч қачон бой бермаймиз, деб такрорлайсан».

Бу қўшиқни М. В. Фрунзе қўмондонлигида интервентлар ва оқ гвардиячилар қўшинларини қийратган жангчилар ҳам яхши билишар эди: қўшиқ сувсиз саҳроларда ҳам, қор босган тик тоғ довонларида ҳам янграрди. У зафар марши каби қизил байроқли полклар ва эскадронларни қўҳна Бухоро, Самарқанд, Қўқон кўчалари бўйлаб кузатиб борарди...

Агар бизнинг кунимизгача етиб келган халқ ўртасидаги гапларга ишонадиган бўлсак, осиповчилар қўзғолони вақтида «Коммуна қўшиғи» Тошкент қалъаси ертўласидан ҳам эшитилиб турган. Ана шу қалъа қалин деворлари ортида ўлимга маҳкум этилган большевиклар азоб чекиб ётарди...

Гражданлар уруши тугаб, орадан кўп йиллар ўтгач А. С. Митюшин шундай деб ҳикоя қилган эди:

— Ушбу қўшиқ қандай йўллар ва воситалар ёрдамида ўша йиллар халқ ўртасида жуда тез кенг тарқалганлигини изоҳлаб беролмайсизми! деб мендан тез-тез сўрашади. Ҳа, баъзан қўшиқ чиндан ҳам қуш каби парвоз қилади. Бу унинг муаллифи учун чинакам бахт... У басталанади-ю, узоқ-яқин манзиллар бўйлаб парвоз қилади. Энди у сенинг ҳукмингда эмас. Ортидан бахтиёр кузатиб қоласан, холос: ахир у сен басталаган қўшиқ!

Улуғ Ватан уруши йиллари Тошкентга эвакуация қилинган ленинградликлар билан дўст тутинган тошкентлик кекса авлод вакилларига А. С. Митюшиннинг номи яхши маълум. Унинг ўзи ҳам Ленинград ва Тошкент музикачилари ўртасидаги анъанавий дўстликни юксак қадрларди. «Коммуна қўшиғи» туғилган Нева бўйидаги шаҳарда у урушдан сўнг турли оркестрларнинг дирижёри бўлиб ишлаган, «Современник» театрида музика соҳаси бўйича мудирлик қилган, радио эшиттиришлари учун, Қизил байроқли Болтиқ денгизи флотининг ансамбли учун музика басталаган. Ўзининг сўнгги асарини ҳам шу ерда 1961 йилда ёзган...

Аммо гражданлар урушининг суронли йиллари ҳаётга йўлланма олган, жиддий синовлардан ўтган «Коммуна қўшиғи» бугун ҳам телевизор экрани ва радио орқали янграмоқда, энг яхши хор коллективлари, айниқса ёшлар коллективларининг репертуаридан муносиб ўрин эгаллаб турибди. Бу тасодифий эмас: чунки қўшиқ Ленин комсомолининг тенгдошидир!

Владимир ДЕМЕНТЬЕВ.

# Ҳикматлар талқини

**Ғаминг ошса, дарё ёқала,**
**Шодлик ошса, мозор орала!**

Киши ҳаётда гоҳида ғамгину гоҳи шодмон бўлиши бор. Унисида ғам гирдобига чўкма, бунисида сармаст ҳам бўлиб кетма. Яхшиси, ғаминг ошганда дарё бўйига бор-да, сувга боқ, шунда оқар сув ўзи билан бирга ғамингни ҳам ола кетади, кайфиятинг ҳам жойига тушади.

Оби ҳаётдаги қудрат туфайли либосимиз чангигина эмас, дилимиз ғубори ҳам тозаланаверади.

Ўша байтнинг иккинчи мисраси эса, Саъдий айтган мана шу байтни эслатади:

**Ўтганлар ибратли сўзларин ёд эт,**
**Ўтганлар ёди-ла дилингни шод эт!**

Қабристон оралаб, марҳумлар ёди оғушида бўлсанг, шодлик сармастлиги ҳам мўътадиллашиб қолади.

Аслида ўтган азизлар йил бўйи, кечакундуз эсланади, ҳар йили март охирида тантанавор тарзда бажо келтирилаётган умумхалқ ёдномаси эса бунинг чўққисидир.

Мана бу байтлар ҳам, ўша байт моҳиятини қувватлаб келади:

**Ҳамроз олам шиддатидин ҳовруқма,**
**Топгунг шифо, Комило, ошуқма!**
**Кунинг қаро бўлса, кўнглингни бузма,**
**Ёруғ кун туғилар, қаро тундин сўнг!**

Хуллас, меҳнату ташвиш, ғам чекиб роҳатга ва ранж тортибгина ганжга эришаркансан, шодликда ўзни унутишу, ғамда чўкишлик на ҳожат? Ахир:

**Роҳат — меҳнат остида,**
**Ганж — ранж тубида**

дегани ҳам шунга даъват эмасми?

Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ,
ТошДУ доценти.

Янгича анъаналар—ҳаётимиз кўрки

# Маросим маданияти

Халқлар ҳаётида минг йиллар давомида эзгу ниятлар ва самимий интилишларни ифода қилувчи урф-одат, анъаналар юзага келган. Шулардан бири никоҳ маросими бўлса, иккинчиси чақалоққа исм қўйишдир.

Ҳозирги қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида халқ маънавий ҳаётида чуқур ўрин эгаллаган бу урф-одатлар ва анъаналарнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Яқинда Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги Тошкентда «Никоҳ ва исм қўйиш маросими» республика конкурсини ўтказди. Конкурсда Қорақалпоғистон АССР ҳамда республикамиз область ва шаҳарларидан келган ЗАГС ходимлари қатнашдилар.

Янги келин-куёвни табриклаш ва чақалоққа исм қўйиш маросимини олиб боришда ЗАГС ходимлари ўзларини тута билишлари конкурс шартларининг асосини ташкил этди.

Конкурсда никоҳ маросимини ўтказиш бўйича Андижон область ЗАГС ходими О. Отабоева, Тошкент шаҳар ЗАГС ходими Ю. Хўжаева, Фарғона область ЗАГС ходими Д. Абдураҳмонова, чақалоққа исм қўйиш маросимида эса Тошкент шаҳар Октябрь райони ЗАГС ходими Т. Абрамова ҳамда Тошкент область Чиноз район ЗАГС ходими М. Ғаффорова ғолибликни қўлга киритдилар.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги вакилларидан иборат жюри аъзолари конкурс ғолибларига «Мақтов ёрлиғи» топширдилар.

Мавлуда ҒАФУРОВА.



Гир айланиб ўйнаймиз,
Бахтимизни куйлаймиз.

М. Назаров фотоэтюди.

# Бола бошидан...

Бола тарбияси ҳақида қанча гапирилса, шунча оз. Лекин болага ҳадеб насиҳатбозлик қилавериш ҳам унинг тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин. Биз бу ҳақда сўз юритганда албатта «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол эсимизга тушади. Чунки бола ёшлигида ниманики ўрганса, энг аввало ўз хонадонида ота-онасидан олади. Айниқса у ака, опа, хола, амаки, аммаларидан кўп нарсаларни билиб олади. Шунингдек болага маҳалла-кўйнинг, боғча, мактаб ҳамда ўқитувчиларнинг таъсири беқиёсдир. Хуллас, боланинг балоғатга етишида атроф-муҳитнинг — одамларнинг роли катта бўлади. Буларнинг энг асосийси ота билан онадир. Бола уларнинг юриш-туриши, кишилар билан муомаласини, одобларини тезда ўрганади ва уни амалда қўллай бошлайди. Бу борада она тарбияси алоҳида аҳамиятга эга ва унинг шахсий характери, хулқи-атвори, ўзини тута билиши, оилага муҳаббати, садоқати, фарзандларга меҳрибонлиги ҳамда шунга ўхшаш хислатлари болада ўчмас из қолдиради. Қизларда эса бу нарса янада равшанроқ кўзга ташланади...

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Троллейбусда бир йигит билан қиз орқа эшик ёнида гўё ўзларидан бошқа одам йўқдек ёқимсиз қилиқлар қилиб боришарди. У қизнинг қўлидан ушлаб олгани етмагандек, боласини эркалаётган мушукдек, юз-кўзини ялар, ўпар, турли бачкана қилиқлари билан йўловчиларнинг ғазабини қўзғатар эди. Аммо унга бирор киши «Ўзингни сал тутиб олсангчи, ҳой йигит! Ҳеч бўлмаса кексаларни, ёш болаларни ҳурмат қилсанг-чи...» деёлмасди. Чунки бизда «Ўзингни бил, ўзгани қўй» шиори ҳар бир киши онгига шунчалик чуқур сингиб кетганки, гўё бу ердаги одамлар бошқа юртдан келгандек...

Шу пайт орқа эшикдан бир келинчак чиқди-да, уларни кўриб уялди шекилли, ўртароққа юриб кетди. Ёнимда ўтирган ўрта ёшлардаги рус аёл ўзини тутиб туролмади. Нафратланганидан у ҳам ўрнидан туриб олдинга юрди. Нима бўлса бўлди, дедим-да ҳалиги йигитни чақирдим.

— Гапираверинг, — деди менга ўдағайлаб у.

— Буёққа келиб ўтиринг, жой бор.

— Ҳозир тушамиз, раҳмат, — деди у бироз шаштидан тушиб.

— Илтимос, бир оғиз гапим бор эди.

У менга яқинлашди-да, ёнимдаги бўш жойга ўтирди ва «Хўш?» деди.

— Қаерда ишлайсиз? — сўрадим ундан.

Кўринишидан, гап-сўзидан тошкентликка ўхшамасди. Бунинг менга аҳамияти ҳам йўқ эди. Шунинг учун иш жойини сўрайвердим.

— Агрегат заводида.
— Ота-онангиз борми?
— Бор.
— Синглингиз ёки опангиз-чи?
— Бор.
— Синглингиз билан бир йигит катта кўчада ёки мана шунақа сизга ўхшаб одамлар орасида одобсизлик қилса нима қилардингиз?
— ...
— Ҳозир шу қизнинг дадаси ёки акаси троллейбусга чиқиб қолса нима бўлишини тасаввур қиласизми?
— Ҳа...

У ўрнидан турди-да «Кечирасиз, раҳмат...» дея қизни етаклаб Революция хиёбони бекатида тушиб қолди.

Бундай воқеани ҳар куни, ҳар соатда: автобусда, трамвай ва троллейбусда ҳамда истироҳат боғи ва хиёбонларда ҳам учратиш мумкин. Лекин бирор киши бундай ахлоқсизликни кўриб, уни тартибга чақиришни негадир ўзига эп кўрмайдими, ёки хоҳламайдими ишқилиб «лом-мим» демайди. Агар аҳвол шундай бораверса, охири нима бўлади? Кейин кўчаларда ўғил-қизларимизни, опа-сингилларимизни олиб юролмайдиган бўлиб қоламиз-ку.

«Сеники, меники» деб фақат ўзимизнинг фарзандимизни ўйласак хато қилган бўламиз. Яна шуни айтиб ўтиш ҳам керакки, айримлар кўчадаги баъзи безорилар билан фақат милиция ходимлари шуғулланишади, бу уларнинг вазифаси, деб бирор ҳодиса бўлиб қолса дарров милиция қидириб қоладилар. Ахир биринчи навбатда ўзимиз хушёр бўлишимиз керакку!

Ҳа, бола азиз, одоби ундан азиз. Демак одобли фарзанд ўстириш учун фақат ота-онанинг меҳнати, ҳаракати етарли эмас экан. Унга ҳамманинг — маҳалла аҳли, мактаб, боғча ва кенг жамоатчилик меҳнати сингсагина у эл-юртга, Ватанига садоқатли, одамлар, ота-она, қариндош уруғлари қадрига етадиган бир инсон бўлиб етишиши мумкин. Шу ўринда Хусрав Деҳлавийнинг ушбу сўзларини ёдга олиш айни муддаодир:

**Ёмон нафсингни одобга**
**ғулом қил,**
**Одобсизни одобинг бирла**
**ром қил.**

**Маҳмуд ИБРОҲИМОВ,**
**СССР Журналистлар союзининг аъзоси.**




**Бу гулшан ичраки йўқтур**
**бақо гулига сабот,**
**Ажаб саодат эрур**
**чиқса яхшилик била от.**

**Алишер НАВОИЙ.**

Оила — жамиятнинг кичик ячейкаси ҳисобланиб, унинг мустаҳкамлигида хислати каттадир.

Мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш учун юридик, социал ва ахлоқий муҳит яратилган бўлиб, уларни тобора жипслаштириш омиллари амалга ошмоқда.

«Оила — деган эди буюк педагог А. С. Макаренко, — инсон ҳаётига тўкислик бағишлайди, оила бахт келтиради, лекин ҳар бир оила, айниқса, социалистик жамиятдаги оила, энг аввало, давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ ишдир».

Демак, оила аъзолари ҳам ушбу муқаддас ячейкани мустаҳкамлашлари, уни ҳар томонлама такомиллаштиришлари даркор. Оила аъзоларининг турмуш машаққатларини тенг бажаришлиги тақозо этилади. Шунинг учун оила аъзоларидан зийраклик, ақл-фаросат, заковатли бўлиш талаб этилади.

Оилада соғлом шароит бўлса, етук фарзандлар вояга етади, кўнгилхушлик, хурсандчиликнинг илиқ шабадалари эсиб, кайфиятни чоғ қилади. Кишини иш фаолияти ҳам мазмунли ва мароқли ўтади. Оиладаги тотувлик, иноқлик киши асабини мулойимлаштириб, баҳри-дилини очиб юборади. Оилада тинчлик бўлса кўчада фароғат ҳам, роҳат ҳам бўлади. «Оила — жамиятнинг дуру гавҳари» деган эди улуғ француз адиби Виктор Гюго. Ана шу дуру гавҳар қанча мустаҳкам бўлса, покиза бўлса жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Наимахон билан Ҳалимжонлар ҳам яхши ният билан оила қурдилар. Дастлабки 4—5 йил ширингина ўтди. Наимахон тўй-томоша, байрам, учрашувларда тенгдошларининг кийиниш, юриш-туришларига қараб ҳавас қилар, гоҳида ўзини қўйишга жой тополмай қоларди.

Турмуш ўртоғи Ҳалимжон илмий текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. Наимахоннинг наздида «Қуриб кетгур диссертация ҳам битақолмайди». Айниқса, тунов куни эрининг синфдоши Одилжон билан учрашувдан кейин анча оилада сан-манга боришди.

# Жамият мулки

Одилжон ўрта мактабда ўқиб юрганда Ҳалимжондан паст баҳоларда ўқирди. Мана, бугун машина калитини қўлида ўйнатиб, «Ўтиринглар, олиб бориб қўяман» деб қолди. Унга нисбатан эри жуда ғариб кўриниб кетди кўзига. Ҳатто кийимлари ҳам шалвираб қолганга ўхшайди.

Уйга келгандан кейин Наимахон яна эски дийдиёсини бошлади:

— Кўраяпсизми, одамлар қандай яшаяпти! Сиз ҳам шуларга ўхшасангиз нима қилади?—Наимахон Ҳалимжондан ишини ўзгартиришни талаб қилди.

— Ахир мактабда ўқитувчилик қилсангиз ҳам 300 сўм оласиз-ку, бу қанақа ҳаёт бўлди, топганингиз кўчадан уйга кирмайди, Сизнинг ҳозирги юз сўм маошингизни Одилжонлар бир имо билан топади. Қанақа эрсиз? Оила бошлиғимисиз? Уйга биров келса уяламан, — деди йиғламсираб.

Ҳалимжон босиқлик билан Наимахонга тушунтиришга ҳаракат қилар, аммо оила соҳибасининг «ҳаммасидан тўйдим» деб аюҳаннос солиши муросага йўл қўймасди. Хуллас, оилавий можаро яқин билишлару маҳалла-кўй тилига тушиб қолди.

Шу шароитда Наимахоннинг отаси Салим аканинг ажойиб инсонийлиги қўл келди. Можаронинг асл моҳиятини сўраб-суриштирди, қизига танбеҳ берди:

— Урушдан қайтиб келиб икки йил ҳарбий кийимда мактабларда дарс бериб юрдим. Ҳафтада бир-икки марта иссиқ овқат ер эдик. Онанг шуларга чидаган. Молпарастликни, дабдабабозликни қаердан, кимдан ўргандинг?

Отанинг ҳақгўй, доно маслаҳатлари қизига таъсир қилмасдан қолмади. Дарҳақиқат, бундай ўйлаб кўрилса қўша-қўша болдоқлар, ёқут кўзли узуклар, бойликлар оила бахтини белгиламас экан. Ҳақиқий оилавий бахт иноқликда, бир-бирига бўлган самимий ҳурматда, муҳаббатда.

«Минглаб тасодифлар синовидан ўтадиган эр-хотин муҳаббати, — деб ёзган эди француз адиби Франсуа Мориак, — кундалик оддий ҳодиса бўлишига қарамасдан энг гўзал мўъжизадир».

Эру хотин муносабатида гап кўп. Чунки уларнинг фаолияти оиланинг асосини белгилайди. Агар улар босиқлик, вазминлик билан иш юритсалар нур устига аъло нурдир, ҳаёт ширин, турмуш фаровон бўлади.

**Мусақул УСМОНОВ,**
**Халқлар дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги институти КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати.**



— Мен сенга бир сўз
айтайми, жоним,
Тинглагин, дилбарим,
юрагинг ёниб
Шу олам гувоҳдир,
юрмасман тониб,
Сен бахтли бўласан!
Довонлардан ўтгум сени
етаклаб,
Бошингдан гул сочай
этак-этаклаб,
Хотиринг бўлсин жам:
арслон билакман,
Сен бахтли бўласан!
Ҳаёт сўқмоғида одим от
дадил,
Ҳавас-ла боқсинлар
дарахтлар адл,
Икки қалбдаги муҳаббат
одил:
Сен бахтли бўласан!
Қўлингда гулдаста,
чеҳрангда иқбол,
Оппоқ кўйлагингда
сочларинг тол-тол
Ҳаётимиз кечар бамисли
хаёл:
Сен бахтли бўласан!

Р. Шарипов фотоэтюди.

# Шикаста кўнгил

(Қатра)

Каромат холанинг болохонага кўчиб ўтганига бугун 3 ой бўлди. Сандали борлигига қарамай, дераза раҳларидан кираётган муздай эпкин уй ҳавосини анча совутиб юборган эди. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб, оғиб бораётган ойнинг шуъласи деразадан Каромат холанинг юзига туша бошлади. «Уф... қачон тонг отади-я...» кўзларига уйқу илинмас, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдариларди. Юрагидаги азоб, гиналар уни уйқусизлик касалига йўлиқтириб қўйганди. Кечалари фақат хаёл билан яшайди, улар билан суҳбат қуриб, кўнгли таскин топади. Бугун ҳам у ўтмишини, севикли ёстиқдоши Умарали билан кечган ширин кунларини эслади. Айниқса, ўғли Ўктамжон туғилганда иккаловининг қанчалик севинганини...

У бугунги аҳволга тушаман деб ўйлабдими? Фарзандининг ўзига нисбатан меҳрсиз, бағритош бўлиб ўсиши хаёлига ҳам келмаганди. «Э-э, одамнинг жони темирдан қаттиқ бўларкан». Жигарбандининг дийдорига тўймай Умарали урушда қурбон бўлди. Бу ҳам етмагандай икки қизалоғи ҳам нобуд бўлди. Бор меҳрини яккаю-ёлғиз ҳамроҳи, овунчоғи Ўктамжонига берди. Барча ушалмаган орзу-армонларини ўғли рўёбга чиқарар деб ўйловди. Кечалари иситмаси кўтарилиб инграганда нима қиларини билмай, тун ярмида район касалхонасига олиб борганлари... Қўрқув, чарчаш нималигини билмай, дуч келган жойда, оғир меҳнат бўлса ҳам чидаб, боласини боққанлари... Оғир меҳнатдан чарчаб келгач, кўзлари юмилиб-юмилиб кетишига қарамай боласини бағрига босиб, алла айтиб ухлатгани... учун қаердан, нима топиб келишини ўйлаб ётган тунлари...

Умр шу тахлит ўтди-кетди. Ёши етмишдан ошди, қариди. Энди у йиллар воқеаси худди тушдек... Ўғли мактабни тамомлади. Ўқишга ҳам кирди. Бу вақт ичида у фабрикадан пенсияга чиқди. Ўктамжон барча тенгдошлари қатори Армия хизматига йўл олди. Шунда она ўғлининг Ватан ҳимоясига арзигулик ўғил бўлиб қолганидан қанчалик фахрланганди. Ўктамжон ҳарбий хизматни ўташ даврида фарзанд меҳри, соғинчи ҳовлида ёлғизланиб қолган Каромат холанинг қаддини анча букиб, янада чўп қилиб қўйган эди. Ҳаммасига сабр-бардош топди. «Ўғлим келиб, орзуларим ушалар, бағрим тўлиб қолар» деб икки кўзини йўлга тикканча кеча-кундузларни ўтказди.

Уни уйлантирганда қанчалар севинди, орзуларимга етдим деб ўйлади. Лекин унинг уйига яна аччиқ маломатли кунлар кириб келди. Ўғлининг феъл-атвори ўзгариб қолган, аввалги Ўктамжон эмас эди. Келини олган пулини кийим учун мато олишу тиктиришга, тақинчоғу билакузукларга сарфласа, ўғли мол-дунё орттириш билан банд бўлиб қолди. Ўртадаги меҳр-оқибат аста-секин йўқола борди...

Айниқса, келинининг «Сандалингизнинг сассиқ ҳиди жонимга тегди. Эртадан ҳамма нарсаларингизни болохонага олиб чиқиб ташлашади. Ўша ерда ётасиз. Уйим шундоқ ҳам тўзиб кетди» деган гапига, ўғлининг «Томга бўлса томга-да, шунга ҳам кайфиятингни бузасанми?», деб хотинига ҳамфикр бўлиши унинг суяк-суягига бориб тегди. Шу-шу ўзини бу уйда ёлғиз ҳис қила бошлади. Келини, ҳатто невараларинииям гаплаштирмай қўйди. Уларни ўзи оқ ювиб, оқ тараб, она бермаган меҳрни уларга берганди. Биттагина ўғлига суянчиқлар пайдо бўлганидан севиниб оз бўлса-да, юракдаги дардларини унутишга ҳаракат қилганди. Мана, неваралари ҳам катта бўлишди. Ҳаётда ўз ўринларини топишди, лекин улар ҳам она сўзидан чиқишмайди.

Бугун тонготардан хонадонда байрам. Таажжуб? Нима бўлиши мумкин? Календарь бўйича ҳар қалай байрам куни эмас. Туғилган кун деса на ўғли, ё келини, ёинки невараларининг туғилган куни эмас. Даста-даста гуллар, тоғора-тоғора нарсалар... Магнитофон овози пасайиб, бир аёлнинг ғулдираган овози эшитилди. У Ўктамжонни нима биландир табриклар, гап-сўзлари элас-элас эшитилар эди. Ҳа, ёдига тушди. Кечагина қўшниси Назира хола кўргани чиққанда «Ўғлингиз мартабали одам бўлибди, деб эшитдим», деганди. Демак, ёқлабди-да!

Каромат холанинг кўзларига ёш қалқди. Ахир бу кунни у қанчалик кутганди! «Ўктамим катта одам бўлибди, ишқилиб боши тошдан бўлсин» дея пичирлади у.

Ўктамжон меҳмонларни зиёфат қилиш билан банд. Аммо она билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Меҳмонлар ҳам тарқалишган.

Каромат хола ой шуъласига термулганча хаёл суради. Бугунги кун ҳам ўтди. Умр ўтяпти. Уларга қўшилиб меҳр-оқибат ҳам изсиз йўқолиб боряпти...

Ҳидоят СОТИВОЛДИЕВА.

